

# Судьяларнинг хаёти ва соғлигини давлат томонидан

мажбурий сұғурта қилиш

## ШАРТНОМАСИ

№ 10

2022 йил “11” январ

Тошкент шаҳри

Ушбу шартнома “Сұғурта килдирувчи” деб аталадиган туман, шаҳар, туманлараро, вилоят ва унга тенглаштирилган судлари номидан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Хоразм вилояти ҳудудий бўлим бошлиғи Я.шунесаудов (кейинги ўринларда - Сұғурта килдирувчи) бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2018 йил “19” апрелда берилган СФ 00228-сон лицензия асосида, кейинги ўринларда “Сұғурталовчи” деб аталадиган “Ўзагросұғурта” акциядорлик жамияти номидан 2021 йил 30 декабрдаги 05-06/7Б-сонли ишончнома асосида ҳаракат киладиган Башқарув Раиси в.в.б М.Мираబзалов иккинчи томондан, қуидагилар тўғрисида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 879-сон қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг хаёти ва соғлигини давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) ва бошка конун хужжатларига мувофиқ Сұғурта килдирувчи ушбу шартномада белгиланган қийматдаги сұғурта мукофотини тўлаб бериш, Сұғурталовчи эса, сұғурта қилинган шахснинг ушбу шартнома амал киладиган даврда ўз хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда хаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш мақсадида сұғурта суммасини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

### II. Сұғурта суммаси ва сұғурта мукофоти

2.1. Ушбу шартноманинг 1-иловаси бўйича жами сұғурта суммаси: -2022 йил 15 январдан 2023 йил 14 январга қадар **76 120 700 000,0** (етмиш олти миллиард бир юз йигирма миллион етти юз минг) сўм;

2.2. Сұғурта ҳодисаси содир бўлганда, ҳар бир сұғурталанган шахсга (наф оловчига) белгиланган сұғурта суммаси шартноманинг ажralmas қисми бўлган унинг 2-иловасидаги рўйхатга асосан тўлаб берилади.

Шунингдек, йил давомида янги тайинланган ва муддати тугаган (бўшаган) судьялар бўйича ўзгариш бўлганида, рўйхат янгиланиб, ОСД ХБ томонидан “Ўзагросұғурта” АЖга хат орқали юборилади ҳамда йил якунида, штат жадвали бўйича сұғуртага тўланган маблағдан рўйхат бўйича ҳисобланган маблағ фарқи ОСД ХБга қайтарилади.

2.3. Ушбу шартнома бўйича сұғуртә мукофоти **63** штат бирлиги бўйича ўртача ҳисобланган **181 168 000,0** (бир юз саксон бир миллион бир юз олтмиш саккиз минг) сўм (ҚҚС сиз) шартноманинг 1-иловасига асосан ташкил этади.

Шартномада кўрсатилган сұғурта мукофоти суммаси 100 фоиз ўтказиб берилади.

2.4. Сұғурта мукофоти 2022 йил 15 январга қадар тўлаб берилади.

2.5. Сұғурта мукофоти сұғурта килдирувчи томонидан сұғурталовчининг ҳисобрақамига пулни ўтказиш йўли билан тўланади. Пул маблағлари сұғурталовчининг ҳисобрақамига тушган сана давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

**2.6.** Давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида шартнома шартлари ўзгарған тақдирда, ўзгарған шартларга қараб сұғурта мукофотига тузатиш киритилади. Бунда сұғурта мукофоти бүйича ўзаро хисоб-китобларнің амалга ошириш борасыда томонларнинг мажбуриятлари давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасыга құшимча келишув тузилған кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан бажарылыш лозим.

**2.7.** Давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида сұғурта тарифи даражасининг ўзгариши сұғурта қилдирувчи томонидан тұлов вактида амалда бұлған сұғурта тарифи бүйича тұланған сұғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

### **III. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати**

**3.1.** Ушбу шартнома ғазначилик органларыда рўйхатдан ўтган вактдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

**3.2.** Сұғурталовчининг мажбуриятлари сұғурта полисида кўрсатилған санадан бошланған вактдан кучга киради ва мажбурий сұғурта қилиш бүйича сұғурта полисида кўрсатилған сұғурта даврининг охирги куни соат 24:00 да тугайди.

### **IV. Шартноманинг бошқа шартлари**

**4.1.** Давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузища тақдим қилингандар аризада кўрсатилған маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида сұғурта қилдирувчи сұғурталовчига уч иш кунидан кечикмай ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

**4.2.** Сұғурта қилдирувчидан давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузища тақдим этилған маълумотлардаги ўзгаришлар тұғрисида ариза олингандан сұғурталовчи, зарур ҳолларда, давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасыга құшимча келишув тузади ва сұғурта полисини қайта расмийлаштиради.

### **V. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (сұғурта қилингандар шахс ва наф олувчининг ҳуқуқлари)**

#### **5.1. Сұғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:**

сұғурталовчидан давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб берішни талаб қилиш;

сұғурталовчининг сұғурта тұловини тұлашни рад этиш тұғрисидеги қарори устидан белгиланған тартибда шикоят қилиш;

сұғурта қилингандар шахсларнинг сони камайғанда сұғурта мукофотининг сұғурталған шахсларнинг камайған сонига ва давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган давриға мутаносиб қисмини олиш;

сұғурта полиси йўқотилған тақдирда сұғурталовчидан сұғурта полиси дубликатини олиш ҳукукига эга.

Сұғурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқтарға хам эга бўлиши мумкин.

#### **5.2. Сұғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

ушбу Низомда белгиланған тартибда ва муддатларда давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бүйича сұғурта мукофотини тұлаши;

сұғурта қилингандар шахсларни давлат томонидан мажбурий сұғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, ушбу шартнома бүйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сұғурта қилингандар шахс (наф олувчи) ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат

қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни тақдим этиши;

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига заарар етказилганилиги ҳақида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан йигирма иш куни мобайнида суғурталовчига ёзма шаклда маълум килиши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **5.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:**

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига заарар етказилиши ҳолатларини текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли эксперктларни жалб этиш;

суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига заарар етказилиши ҳолатларига доир ахборотни (маълумотни) текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

суғурта қилдирувчини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурта қилдирувчи ва суғурта қилинган шахс (наф оловчи) тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта тўловини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, суғурта қилинган шахс (наф оловчи) суғурта тўловини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослаган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Низомнинг 24-бандида назарда тутилган барча зарур хужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта тўловини тўлаши;

ташкилот номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда суғурта қилдирувчига қонун хужжатларида белгиланган тартибда маълум қилиши;

суғурта полиси йўқотилган тақдирда, суғурта қилдирувчи тегишли ариза билан мурожаат қилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида суғурта полиси дубликатини бериши шарт.

Суғурталовчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### **5.5. Суғурта қилинган шахснинг ҳуқуқлари:**

суғурталовчига суғурта тўловини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилиш;

қонун хужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта тўлови олиши;

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

белгиланган тартибда ҳаёти ёки соғлиғига заарар етказилиши ҳолатларини текширишда, зарурият бўлганда, ўзининг ишончли вакилини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

суғурта қилдирувчидан суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилинган шахс қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5.6. Наф олувчининг хукуқлари:**

сугурта тўловини олиш ҳақидаги талаб билан сугурталовчига мурожаат қилиш;

сугурталовчидан қонун хужжатларида белгиланган шартлар ва тартиб асосида сугурта тўловини олиш;

давлат томонидан мажбурий сугурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида сугурта қилдирувчи ва сугурталовчидан бепул ахборот олиш;

сугурталанган шахс ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) ҳақида сугурта қилдирувчини хабардор қилиш;

сугурта ҳодисасини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

сугурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни сугурта қилдирувчидан олиш хукуқига эга.

Наф олувчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **VI. Томонларнинг жавобгарлиги**

**6.1** Давлат томонидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Судлар фаолияти тўғрисида” ги Қонун, юқорида қайд этилган Низом ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

**7.1.** Улбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва қелишмовчиликлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **VIII. Якунловчи қоида**

**8.1.** Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, томонлар учун бир хил кучга эга.

**8.2.** Сугурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ушбу ҳудуддаги “Ўзагросуѓурта” акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали ҳодимлари жалб қилинади.

### **IX. Томонларнинг реквизитлари:**

#### **Сугурта қилдирувчи:**

**Сугурталовчи:  
“Ўзагросуѓурта” АЖ**

**Судлар фаолиятини таъминлаш  
департаменти Хоразм вилояти ҳудудий  
бўлими**

Манзили: Тошкент ш.,  
Чилонзор-19, 61/2  
тел: (71) 216-05-00 факс: 216-05-00  
Хисоб рақами: 20216000100101171001  
Банк номи: АТБ “Микрокредитбанк”  
Тош. вил. филиали, СТИР: 200794771  
МФО: 00455 ОКЭД: 65120  
Бошқарув Раиси в.л.б

Манзили: Ургач ш. № Ҳоразмий 107  
ини: 207251825  
шер: 10001086033401703323201002  
мойл Ҷағоралиш Гаёнишлари  
х/р: 23402000300100001010  
Л155 Ҳикм Ії ш  
норо: 00014 ини: 201122919

**Бўлим бошлиғи**



(имзо)

М.У.



Л. М. йунусов  
Л. М. йунусов

Хуҷақимулов  
Хуҷақимулов